

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ  
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.30.08.2018.Yu.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ  
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ**

**НУРМАТОВ МИРҒОЛИБ МИРЗАЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК СИЁСАТИНИНГ  
ИҚТИСОДИЙ-ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.06 – Табiiй ресурслар ҳуқуқи; аграр ҳуқуқ; экологик ҳуқуқ**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)**

**Content of the abstract of the doctoral (DSc) dissertation**

**Нурматов Мирғолиб Мирзаевич**

Ўзбекистон экологик сиёсатининг иқтисодий-ҳуқуқий

механизмини такомиллаштириш ..... 3

**Нурматов Мирғолиб Мирзаевич**

Совершенствование экономико-правового механизма

экологической политики Республики Узбекистан..... 35

**Nurmatov Mirgolib Mirzaevich**

Improvement of economic-legal mechanism

of environmental policy of Uzbekistan ..... 65

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 70

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ  
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.30.08.2018.Yu.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ  
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ**

**НУРМАТОВ МИРҒОЛИБ МИРЗАЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК СИЁСАТИНИНГ  
ИҚТИСОДИЙ-ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.06 – Табiiй ресурслар ҳуқуқи; аграр ҳуқуқ; экологик ҳуқуқ**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.DSc/Yu97 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) «ZiyoNET» таълим ахборот тармоғида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Файзиев Шухрат Хасанович**

юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Холмўминов Жума Тоштемирович**

юридик фанлар доктори, профессор

**Сафаров Джаҳонгир Исмоилович**

юридик фанлар доктори, доцент

**Рустамбеков Исламбек Рустамбекович**

юридик фанлар доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона**

**қўмитасининг Божхона институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.08.2018.Yu.74.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2019 йил 27 апрель соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент вил., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (998971) 230-32-50; e-mail: [mg-hti@umail.uz](mailto:mg-hti@umail.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент вил., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (998971) 230-32-50.

Диссертация автореферати 2019 йил 12 апрелда тарқатилди.  
(2019 йил 12 апрелдаги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Х. Рустамбаев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**А.А. Нуридуллаев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар номзоди, доцент

**М.Б. Усмонов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, проф.

## КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё ҳамжамияти олдидаги ҳал этилиши лозим бўлган экологик муаммолар инсоният тарихининг бирон-бир босқичида ҳозирги даврдагидек долзарб аҳамият касб этган эмас. Иқлим ўзгариши, Озон омили, Орол денгизи муаммоси, атмосфера ҳавоси ва сув ресурсларининг ифлосланганлиги, биохилмахилликни сақлаб қолиш ва чиқиндиларнинг ҳаддан ортиқ ҳосил бўлиши ҳамда бошқа кўплаб экологик муаммоларни олдини олиш ва бартараф этиш инсон, жамият ва давлат олдида турган энг муҳим вазифалардандир. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар тўғрисида сўзлаган нутқида «Бугунги куннинг энг ўткир экологик муаммоларидан бири – Орол ҳалокатига яна бир бор эътиборингизни қаратмоқчиман. Денгизнинг қуриши билан боғлиқ оқибатларни бартараф этиш халқаро миқёсдаги саъй-ҳаракатларни фаол бирлаштиришни тақозо этмоқда»<sup>1</sup> деб таъкидлаб ўтган эди.

Жаҳонда экологик муаммоларни ҳал этишнинг ҳозирги босқичида давлат экологик сиёсатининг иқтисодий-ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш соҳасида илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, экологик чора-тадбирларни режалаштириш ва молиялаштиришнинг самарали воситаларини ишлаб чиқиш, экологик тўловлар тизимини ҳуқуқий тартибга солиш, табиатдан фойдаланувчиларнинг табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишини рағбатлантириш, иқтисодий, ижтимоий ва экологик омилларни ўзаро уйғунлаштириш, табиий ресурсларни баҳолаш ва атроф муҳитга зарар етказадиган фаолиятга солиқлар жорий этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар орқали экология соҳасидаги иқтисодий-ҳуқуқий механизмни такомиллаштиришнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда давлат экологик сиёсатининг барча йўналишларида кенг қамровли дастурий тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш; одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш комплексларини қуриш ва модернизация қилиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳолини чиқиндини йўқ қилиш бўйича замонавий объектлар билан таъминлаш, атроф муҳитга зарарли моддалар чиқишини камайтириш; атроф-табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларни олдини олиш»<sup>2</sup> каби

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018. – 250 б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

муҳим вазифалар белгиланган. Амалга ошириладиган кенг кўламли чора-тадбирларга қарамасдан экологик қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши, атроф-муҳитга нисбатан етказиладиган зарарлар микдорининг ошириб бораётганлиги, табиатга нисбатан инсон эҳтиёжларининг тобора ортиб бориши, экологик қонун ҳужжатлари талабларини лозим даражада амалга оширмаслик ҳолатлари кузатилмоқда. Бу эса, мамлакатимизда экологик сиёсатнинг иқтисодий-ҳуқуқий механизмини янада такомиллаштириш зарурлигидан далолат беради.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (1992), “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги (2016), “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги (2016), “Ўрмон тўғрисида”ги (2018), қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сон “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 июндаги 375-сон “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги, 2018 йил 11 октябрдаги 820-сон “Табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатлари қоида-талабларини янада такомиллаштириш, ижросини таъминлаш ва давлат экологик сиёсатининг иқтисодий-ҳуқуқий механизмини самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий-иқтисодий таъминлашнинг иқтисодий-ҳуқуқий механизмини янада такомиллаштириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** Экологик сиёсатнинг иқтисодий-ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш

---

<sup>3</sup> Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://www.ox.ac.uk>; <https://www.cam.ac.uk>; <http://www.manchester.ac.uk>; <http://www.hu-berlin.de>; [www.hs-mittweida.de](http://www.hs-mittweida.de); <http://www.sorbonne-university.com>; <http://www.kyoto-u.ac.jp/en>; <https://www.useoul.edu>; <https://www.ecology.uga.edu>; <http://web.mit.edu>; <https://www.indiana.edu>; <http://www.sggw.pl>; <http://www.uu.se>; <https://www.uu.nl/en>; [www.rug.nl](http://www.rug.nl); <http://www.wfindia.org>; <http://www.mq.edu.au>; <https://www.era.int>; <https://www.ut.ee>; <https://www.k6k.ee>; <https://www.msu.ru>; [www.iseu.bsu.by](http://www.iseu.bsu.by).

соҳасида экологик-ҳуқуқий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Cambridge University (Буюк Британия), Humboldt Universitat (Германия), Kyoto University (Япония), National University of Seoul (Жанубий Корея), Yale Center for Environmental Law and Policy (АҚШ), Stockholm Environmental Law and Policy Centre (Швеция), Centre for Environmental Law Macquarie University (Австралия), Estonian Environmental Law Centre (Эстония), Москва давлат университети (Россия), Беларусь давлат университетининг Халқаро давлат экология институтида (Беларусь) олиб борилмоқда.

Давлат экологик сиёсатининг иқтисодий-ҳуқуқий механизми билан боғлиқ масалаларга оид қайд этилган хорижий илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижаларга эришилган, жумладан: стратегик бошқариш орқали иқлим ўзгаришининг олдини олиш ва биохилмаҳилликни сақлаб қолиш бўйича чора-тадбирларни режалаштириш асосланган (Cambridge University, Буюк Британия); экология соҳасидаги жамғармалар фаолиятини мақсадли йўналтириш орқали экологик муаммоларни олдини олишга қаратилган ҳуқуқий механизмлар таклиф этилган (Humboldt Universitat, Германия); атроф муҳитни муҳофаза қилишни режалаштириш ва атроф муҳитга таъсирни баҳолаш орқали иқтисодий-ҳуқуқий механизмни такомиллаштириш асосланган (Kyoto University, Япония, Москва давлат университети, Россия); ижтимоий фаолиятга мақсадли иқтисодий таъсир кўрсатиш орқали барқарор ривожланишга эришиш таклиф этилган (National University of Seoul, Жанубий Корея); ҳудудий режалаштиришни тартибга солиш орқали атроф муҳитни муҳофаза қилиш асосланган (Халқаро давлат экология институти, Беларусь); урбанизациянинг атроф муҳитга таъсирини камайтириш орқали инсон ҳаётининг фаровонлиги ва табиатда биологик хилмаҳилликни сақлаб қолиш асосланган (Estonian Environmental Law Centre, Эстония); яшил иқтисодиётни ривожлантириш шароитида барқарор ривожланишнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш таклиф этилган (Yale Center for Environmental Law and Policy, АҚШ); оқилона ва барқарор тарзда чекланган ресурсларни бошқариш орқали барқарор ривожланиш ва савдо, режалаштириш соҳасида замонавий ҳуқуқий тартибга солиш тизимининг ривожланиши асослаб берилган (Stockholm Environmental Law and Policy Centre, Швеция); маҳаллий бошқарув ва институтларнинг ролини ошириш орқали атроф муҳит қонунчилиги ва сиёсатини самарали амалга оширилишининг таъсирчан ҳуқуқий механизмлари таклиф этилган (Centre for Environmental Law Macquarie University, Австралия).

Бугун дунёда экологик сиёсатнинг иқтисодий-ҳуқуқий механизмини такомиллаштиришга оид қуйидаги устувор йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда: атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида иқтисодий-ҳуқуқий механизмнинг қонуний асосларини янада такомиллаштириш; барқарор ривожланишга ўтиш, саноатни экологизациялаш ва экологик тадбиркорликни иқтисодий рағбатлантириш чораларини янада такомиллаштириш; экологик зарарнинг олдини олиш, бартараф этиш ва қоплашга оид ижтимоий

муносабатларни комплекс ҳуқуқий тартибга солиш; экологик хавфсизликни тартибга солишда иқтисодий-ҳуқуқий механизмларни жорий этиш ва бошқалар.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсатининг иқтисодий-ҳуқуқий механизмини такомиллаштиришга оид масалалар етарли даражада ўрганилмаган. Мамлакатимизда экологик сиёсатнинг иқтисодий-ҳуқуқий механизмини такомиллаштиришнинг умумий ҳуқуқий жиҳатлари – Й.О.Жўраев, М.Б.Усмонов, У.Б.Бозоров, Ш.Х.Файзиев, Ж.Т.Холмўминов, Н.К.Скрипников, У.Т.Аюбов, С.С.Ҳамроев, И.А.Черкашина, Дж.И.Сафаров, Д.М.Умаров, М.Р.Мирзаабдуллаева, Г.Ш.Узакова, Р.Ҳ.Кенжаев, Д.Н.Маҳкамов, О.Х.Нарзуллаев, А.А.Нуридуллаевларнинг ишларида тадқиқ этилган.

Шунингдек, давлат экологик сиёсати фалсафа, сиёсат, иқтисодиёт, экология, давлат ва ҳуқуқ назариясининг умумий қоидаларига таяниши боис, ишда Б.Алиханов, А.Қодиров, Г.З.Абдуллаева, В.Д.Перевалов, Ю.С.Борцов, З.М.Исломов, М.Аҳмедшаева, М.К.Нажимов, Н.П.Колдаева, А.Б.Венгеров, В.В.Лазарев, А.В.Мицкевич, М.Н.Марченколарнинг сиёсат, экологик сиёсат, ҳуқуқий механизмга оид умумҳуқуқий ва назарий тадқиқотларидан фойдаланилди.

Хорижлик олимлардан Жон МакКормик, Неил Картер, Шарон Бедер, Леннерт Лундквист, Жейн Робертс, Нормен Виг, Майкл Крафт, Диетер Хелм ва бошқалар мавзу предмети доирасида тадқиқот олиб борган. Ж.МакКормик–Европа Иттифоқи экологик сиёсати ва унда иқтисодий-ҳуқуқий механизмнинг ўрнини, Н.Картер – экологик ташаббускорлик, фаоллик ва экологик сиёсат масалаларини, Ш.Бедер – экологик принциплар ва сиёсат, Л.Лундквист – экологик сиёсатга оид қиёсий таққослаш, Ж.Робертс – экологик сиёсатнинг иқтисодий асослари каби масалаларни тадқиқ этганлар.

МДҲ мамлакатлари олимлари томонидан давлат экологик сиёсатининг иқтисодий-ҳуқуқий механизми В.И. Андрейцев, С.А.Боголюбов, М.М.Бринчук, А.К.Голиченков, О.Л.Дубовик, И.О.Краснова, В.В.Петров, А.С.Шестерюк, Ю.С.Шемшученко, Д.А.Байдельдинов, В.А.Гуляев ва бошқалар томонидан ўрганилган. Шунингдек, 2000 йилда Т.В.Петрова томонидан “Атроф муҳитни муҳофаза қилиш иқтисодий механизмини ҳуқуқий таъминлаш муаммолари” мавзусида докторлик диссертацияси ҳимоя қилинган.

Юқоридаги илмий изланишлар таҳлили шуни кўрсатадики, давлат экологик сиёсатининг иқтисодий-ҳуқуқий механизми Ўзбекистон Республикасининг замонавий экологик қонун ҳужжатлари, шунингдек экологик сиёсатга оид халқаро ҳужжатлар асосида комплекс тадқиқот иши сифатида ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти Кенгашининг 2018 йил 5 октябрдаги 1-сонли йиғилиш баённомаси (4-масала) қарори билан тасдиқланган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон экологик сиёсатининг иқтисодий-ҳуқуқий механизмини таъминлаш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни комплекс таҳлил қилиш асосида экология соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини

таъминлаш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистон экологик сиёсатида иқтисодий-ҳуқуқий механизм тушунчасини ишлаб чиқиш;

давлат экологик сиёсатининг иқтисодий-ҳуқуқий механизмига оид қонун ҳужжатларини таҳлил этиш;

соҳадаги мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқлаш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича илмий хулоса ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

экологик муносабатлар тизимида иқтисодий-ҳуқуқий механизмига оид қонун ҳужжатлари ривожланишининг босқичларини даврлаштириш;

экология соҳасида режалаштириш тартиб-таомилларини такомиллаштириш;

экологик чора-тадбирларни молиялаштириш тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини таҳлил этиш;

экологик тўловлар тизимини таҳлил қилиш ва уларни ҳуқуқий тартибга солиш асосларини такомиллаштириш;

экологик жамғармаларни шакллантириш ва тақсимлашнинг асосий қоида ва талабларини жорий этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

экологик суғурта тизимини ҳуқуқий таъминлаш юзасидан қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

экологик рағбатлантириш тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

экология соҳасидаги иқтисодий чора-тадбирлар талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объектини** Ўзбекистон экологик сиёсатининг иқтисодий-ҳуқуқий механизминини такомиллаштириш билан боғлиқ экологик-ҳуқуқий муносабатлар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг предметини** экологик сиёсатнинг иқтисодий-ҳуқуқий механизми билан боғлиқ чора-тадбирларни молиялаштириш ва режалаштиришни ҳуқуқий таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофазасига оид жамғармалар, экологик рағбатлантириш, экологик суғурта ва мазкур муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир масалалар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни олиб боришда илмий билишнинг умумий ва махсус усулларида кенг фойдаланилди. Хусусан, анализ ва синтез, кузатиш, таҳлил қилиш (статистик, қиёсий ва ҳ.к.), умумлаштириш, социологик усуллар (анкета сўровлари), мантиқийлик ҳамда статистик маълумотларни тизимли таҳлил қилиш каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Муаллифлик ёндашуви асосида «атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг иқтисодий механизминини ҳуқуқий таъминлаш» тушунчаси «атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва

экологик хавфсизликни таъминлаш» йўналишлари орқали экологик чоратадбирларни режалаштириш, молиялаштириш, экологик тўловлар, экологик суғурта ва жамғармалар, иқтисодий рағбатлантириш ва жазо чораларини қўллаш билан боғлиқ комплекс тизим сифатида бойитилган;

табиатдан умумий ва махсус фойдаланиш тури, объекти, субъекти, усули, шакли, уларга бўлган ҳуқуқлар каби турли мезонлардан келиб чиқиб (табиат объектларига кўра; табиат объектларининг ўзига хос хусусиятларига кўра; табиатдан фойдаланиш субъектларига кўра; табиатдан фойдаланувчилар сонига кўра; табиатдан фойдаланиш муддатига кўра; табиатдан фойдаланиш ҳуқуқларига кўра; табиат фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш шаклига кўра; табиатдан фойдаланиш мақсадига кўра; табиат объектини табиий муҳитдан ажратиб олиниши ёки олинмаслигига кўра; табиатга таъсир этиш ҳолатига кўра; табиат объектларининг турли кўрсаткичларига таъсир этиб фойдаланилишига кўра) таснифлаш таклиф этилган;

ярим эркин шароитда, сунъий яратилган яшаш муҳитида ёки тутқунликда сақланаётган ва (ёки) етиштирилган ёввойи ҳайвонлар юридик ёки жисмоний шахснинг мулки бўлиши мумкинлиги, ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланувчилар тутиб олинган ёввойи ҳайвонларга ва уларнинг яшаш фаолияти маҳсулотларига нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлиши ҳамда ҳайвонот дунёси объектларидан махсус фойдаланганлик учун ҳақни ўз вақтида киритиши ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузган ҳолда етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ ҳажмда қоплаши шартлиги каби мажбуриятларни белгилаш асослаб берилган;

сунъий яратилган шароитларда етиштириладиган ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар юридик ёки жисмоний шахснинг мулки бўлиши мумкинлиги, ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчиларнинг ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш борасидаги бузилган ҳуқуқларининг тикланиши ва ўзларига етказилган зарарнинг ўрни қопланиши ҳамда ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларга ва уларнинг яшаш фаолияти маҳсулотларига нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлиши, шунингдек, ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчилар фойдаланишга бериб қўйилган ўсимлик дунёси объектларидан оқилона фойдаланиши, ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланганлик учун ҳақни ўз вақтида киритиши ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузган ҳолда етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ ҳажмда қоплаши шартлиги каби мажбуриятларни белгилаш асослаб берилган;

давлат ўрмон фонди участкалари юридик ва жисмоний шахсларга фойдаланишга берилиши, ўрмондан фойдаланиш умумий ёки махсус бўлиши мумкинлиги, ўрмондан махсус фойдаланиш учун ҳақ тўланиши ҳамда тўловлар миқдори ва уларни ундириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши лозимлиги каби таклифлар ишлаб чиқилган;

Ўрмондан доимий фойдаланувчиларнинг тайёрланган маҳсулотга ва уни реализация қилишдан олинган даромадга мулкдор бўлиш ҳуқуқини ҳамда ўрмондан фойдаланганлик учун ўз вақтида ва белгиланган тартибда ҳақ тўлаш каби мажбуриятини белгилаш асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги ва “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунларини такомиллаштириш бўйича билдирилган таклифлар ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларидан оқилона фойдаланишни иқтисодий рағбатлантириш ҳамда ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларининг ўзаро мувофиқлиги ва боғлиқлигини таъминлаш учун асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун ундириладиган компенсация тўловларни тўлиқ ҳажмда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармасига ўтказиш табиатни муҳофаза қилишни молиялаштириш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Экологик суғурта тўғрисида”ги Қонунини қабул қилиш тўғрисидаги таклиф экологик суғуртанинг экологик хавф-хатарнинг олдини олишда ҳамда атроф табиий муҳитга, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарни қоплашда йўл қўйилаётган камчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини белгилаш ҳамда ўзгартириш ҳуқуқини Олий Мажлисга ўтказиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини белгилаш ҳамда ўзгартириш тўғрисидаги таклифни Олий Мажлисга киритишини белгилаб қўйиш тўғрисидаги таклиф ҳозирги конституциявий ислохотлар давлат қурилиши ва бошқарувида парламент ролини янада кучайтиришга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси 9-бандидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш бўйича ваколатини тўлақонли амалга оширишни таъминлашга хизмат қилади.

Ер кодекси 20-моддасидаги “ер участкаларига муддатли (вақтинча) эгалик қилиш ҳуқуқи”ни чиқариб ташлаш тўғрисидаги таклиф ер соҳасидаги мулкий ҳуқуқларни оптималлаштиришга, Ер кодексининг 17, 20, 33-моддаларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлашга, амалиётда йўл қўйилаётган чалкашликларнинг олдини олишга ҳамда МДҲ давлатлари ва Болтиқбўйи мамлакатлари ижобий тажрибасини миллий амалиётга татбиқ қилишга хизмат қилади.

Ер кодекси 28-моддасига ер участкалари юридик ва жисмоний шахсларга мулк этиб сотилганда ер участкасининг ҳақиқий баҳосидан ўн фоиз миқдорда тегишли табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари ҳисобига ўтказилиб,

ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ чоратадбирларни молиялаштиришга йўналтирилиши тўғрисидаги қондани мустаҳкамлаш тўғрисидаги таклиф Европа давлатлари (Австрия, Бельгия, Швейцария ва бошқалар) ижобий тажрибасини миллий қонунчиликка жорий этишга ҳамда мамлакатимизда ер ресурсларини қайта тикловчи чоратадбирларни молиялаштириш тартибини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 36-моддаси 9-бандида белгиланган ер участкасига бўлган ҳуқуқ қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ер солиғи, шунингдек ижарага олиш шартномасида белгиланган муддатларда ижара ҳақи мунтазам тўланмай келинганда бекор қилиниши тўғрисидаги нормадаги “мунтазам” сўзини аниқлаштириш ва ундаги мавҳумликни бартараф этиш мақсадида уни “икки солиқ йили давомида тўламаслик” деб ўзгартириш тўғрисидаги таклифи ҳам ер соҳасидаги қонун ҳужжатларини аниқ ва бир хилда қўллашни таъминлашга, ерларни муҳофаза қилиш соҳасида молиявий интизомни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, халқаро тажриба ва миллий қонун ҳужжатларининг ўзаро таҳлил қилингани, ўтказилган ижтимоий сўровноманинг анкета сўрови шаклига асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларидан ва унда илгари суриладиган ғоялардан Ўзбекистон экологик сиёсатининг иқтисодий-ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни янада чуқурроқ ўрганишда, бу борадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда, “Экология ҳуқуқи”, “Ер ҳуқуқи”, “Аграр ҳуқуқ”, “Табиий ресурслар ҳуқуқи” ва “Молия ва солиқ ҳуқуқи” каби фанлардан машғулотлар олиб боришда, фуқароларнинг экологик-ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишда ҳамда амалдаги экология ва солиқ қонунчилигини такомиллаштиришда қўлланилишида ижобий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, тадқиқот натижаларидан илмий-тадқиқот ишларида ҳамда экология, ер, аграр, табиий ресурслар, молия ва солиқ ҳуқуқи фанлари бўйича дарсликлар, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

“Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг иқтисодий механизмини ҳуқуқий таъминлаш”га доир концептуал ғоя ва таклифлардан “Юриспруденция” йўналиши талабалари учун “Экология ҳуқуқи” (2017 й., 603-243 рақамли гувоҳнома) дарслигини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик университетининг 2019 йил 29 январдаги 09/181-04-сон маълумотномаси). Натижада ушбу мутахассислик бўйича таълим олаётган талабалар,

магистрантлар, ўқитувчилар, шунингдек, табиий ресурслардан махсус фойдаланувчилар ва табиатни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг билим, ўқув ва кўникмаларининг шаклланиши ва ривожланишига хизмат қилган;

табиатдан умумий ва махсус фойдаланиш тури, объекти, субъекти, усули, шакли, уларга бўлган ҳуқуқлар каби турли мезонларга асосан таснифлашга доир таклифлардан “Юриспруденция” йўналиши талабалари учун “Экология ҳуқуқи” (2017 й., 603-243 рақамли гувоҳнома) дарслигини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик университетининг 2019 йил 29 январдаги 09/181-04-сон маълумотномаси). Натижада “Экология ҳуқуқи” фанининг “Табиий ресурсларга нисбатан мулк ҳуқуқи” ва “Табиатдан фойдаланиш ҳуқуқи” институтларининг илмий-назарий жиҳатдан бойишига хизмат қилган;

хайвонот дунёсига нисбатан мулкчилик, хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш, хайвонот дунёси объектларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, балиқ овлашни амалга ошириш шартлари, хайвонот дунёси объектларидан фойдаланганлик учун ҳақ сифатида олинган маблағларни, жарима суммаларини ва хайвонот дунёси объектларига етказилган зарар учун ундирилган суммаларни тақсимлаш ҳамда улардан фойдаланишга оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрдаги ЎРҚ-408-сон «Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонунининг 4, 23, 30, 35, 50-моддаларида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитасининг 2016 йил 3 октябрдаги №04/4-175-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифлар хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишнинг иқтисодий-ҳуқуқий механизмини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ўсимлик дунёсига нисбатан мулкчилик, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш, ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, дарахтлар ва буталарни кесиш, ғайриқонуний равишда йиғилган ва тайёрланган ўсимлик дунёси объектларини олиб кўйиш, зарарнинг ўрнини қоплашга оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги ЎРҚ-409-сон «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонунининг 4, 25, 32, 37, 48, 49-моддаларида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитасининг 2016 йил 3 октябрдаги №04/4-175-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифлар ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишнинг иқтисодий-ҳуқуқий механизмини такомиллаштиришга ҳисса қўшган;

ўрмондан фойдаланишнинг асосий қоидалари сифатида давлат ўрмон фонди участкалари юридик ва жисмоний шахсларга фойдаланишга берилиши мумкинлиги, ўрмондан фойдаланиш умумий ёки махсус бўлиши мумкинлиги,

ўрмондан махсус фойдаланиш учун ҳақ тўланиши ҳамда тўловлар миқдори ва уларни ундириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланишига оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 16 апрелдаги ЎРҚ-475-сон «Ўрмон тўғрисида» (янги таҳрири) Қонунининг 31-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг 2018 йил 21 ноябрдаги №04/4-05-18- сонли маълумотномаси). Ушбу таклифлар ўрмондан фойдаланишнинг асосий қоидаларини янада такомиллаштиришга хизмат қилган;

ўрмондан доимий фойдаланувчиларнинг ҳуқуқи сифатида тайёрланган маҳсулотга ва уни реализация қилишдан олинган даромадга мулкдор бўлиши мумкинлиги ҳамда мажбурияти сирасига ўрмондан фойдаланганлик учун ўз вақтида ва белгиланган тартибда ҳақ тўлашни белгилаш оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 16 апрелдаги ЎРҚ-475-сон «Ўрмон тўғрисида» (янги таҳрири) Қонунининг 33-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг 2018 йил 21 ноябрдаги №04/4-05-18-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифлар ўрмондан доимий фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қонун ҳужжатларида мустаҳкамланишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг натижалари 11 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 2 та халқаро, 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 38 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 22 та (21 та республика 1 та хорижий журналларда) мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, ўн битта параграфдан иборат бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 260 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Ўзбекистон экологик сиёсати иқтисодий-ҳуқуқий механизмнинг назарий масалалари» деб номланиб, унда Ўзбекистон экологик сиёсатида иқтисодий-ҳуқуқий механизм тушунчаси, аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари, экологик муносабатлар тизимида иқтисодий-ҳуқуқий механизмнинг ривожланиш босқичлари, хорижий мамлакатлар экологик сиёсати иқтисодий-ҳуқуқий механизми билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган.

Ушбу бобнинг «Ўзбекистон экологик сиёсатида иқтисодий-ҳуқуқий механизм тушунчаси, аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари» деб номланган биринчи параграфда муаллиф томонидан адабиётларни ва турли хил қарашларни таҳлил қилиш асосида «экологик сиёсат» ва «экология соҳасидаги иқтисодий-ҳуқуқий механизм» каби илмий категорияларнинг мазмун-моҳияти, асосий жиҳатлари, шунингдек, экология соҳасидаги иқтисодий-ҳуқуқий механизмнинг бир қатор ўзига хос хусусиятлари очиб берилган.

Параграфда ушбу тушунчаларга нисбатан билдирилган ўзбекистонлик олимлар (Ш.Ҳ.Файзиев, Ж.Т.Холмўминов, А.Қодиров, Г.З.Абдуллаева, А.Н.Ниғматов, М.К.Нажимов, Ю.Ш.Шадиметов) ва хорижий олимлар (Ж.МакКормик, Ш.Бедер, Н.Картер, Л.Ж.Лундквист, Н.Ф.Реймерс, Ж.Робертс, Ж.Норман, М.Крафт, Д.Хелм, Е.В.Матвеева, В.И.Минеева, С.Ф.Ярославцев, А.Б.Качинский, В.П.Чередниченко) томонидан билдирилган нуқтаи назарлар таҳлили асосида «экологик сиёсат» тушунчасига атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш, экологик хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган ва илмий жиҳатдан асосланган, ўзаро ҳамкорлик ва уйғунликда амалга ошириладиган сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-маъмурий, демографик, маданий-маърифий, тарбиявий-мафкуравий, илмий-техник, миллий ва халқаро чора-тадбирларнинг мажмуи сифатида муаллифлик таърифи берилган.

Тадқиқотчи давлат экологик сиёсатида иқтисодий-ҳуқуқий механизм муҳим аҳамият касб этишини қайд этади. Атроф табиий муҳитни сақлаб қолишни таъминловчи иқтисодий-ҳуқуқий механизмнинг моҳияти, фаолияти табиат ҳолатига таъсир қилувчи жисмоний ва юридик шахсларга ижтимоий-иқтисодий усулларни қўллашда намоён бўлади ҳамда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича қонунчилик талабларини бажаришга ундайди.

Диссертацияда юридик адабиётлар келтириб ўтилган «табиатдан фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш иқтисодий – ҳуқуқий механизми», «атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш иқтисодий механизмини ҳуқуқий тартибга солиш», «қонунчилиқнинг экологик талабларини бажарилишини таъминлаш механизми», «табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизми» каби илмий тушунчаларнинг мазмун-моҳияти таҳлили асосида «экология соҳасидаги иқтисодий-ҳуқуқий механизм» тушунчаси мазмунан ўзига хос алоҳида аҳамият касб этиб, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш соҳасидаги ижтимоий ва

иқтисодий муносабатларни ифодалашда айнан ушбу атаманинг қўлланилиши илгари сурилган.

Шунингдек, «экология соҳасидаги иқтисодий-ҳуқуқий механизми» тушунчасига қуйидаги муаллифлик тарифи берилган: экология соҳасида иқтисодий-ҳуқуқий механизми-атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизлик ва барқарор ривожланишни иқтисодий-ҳуқуқий таъминлаш мақсадида режалаштириш, молиялаштириш, экологик жамғармалар, экологик тўловлар, иқтисодий рағбатлантириш, экологик суғурта билан боғлиқ комплекс чора-тадбирлар тизимидир.

Тадқиқотчи экология соҳасидаги иқтисодий-ҳуқуқий механизмнинг экология соҳасидаги иқтисодий-ҳуқуқий механизмнинг табиатдан фойдаланувчилар учун иқтисодий рағбатлантириш воситаси сифатида баҳоланиши; экологик сиёсатнинг иқтисодий-ҳуқуқий механизмнинг айрим турларида давлат мажбурлов чораларидан фойдаланилиши; экологик муносабатлар иқтисодий-ҳуқуқий механизмида маъмурий-ҳуқуқий воситаларнинг иқтисодий рағбатлантириш усуллари билан ўзаро уйғунлашганлиги; экологик сиёсатнинг иқтисодий-ҳуқуқий механизмини таъминлашда экологик тамойилларнинг устувор мавқе касб этиши; табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишда иқтисодий манфаатдорлик экологик талабларга асосланган ҳолда таъминланиши; экология соҳасидаги иқтисодий-ҳуқуқий механизмнинг табиий ресурслардан оқилона, тежамли ҳамда самарали фойдаланишни таъминловчи восита сифатида намоён бўлиши; экологик сиёсатнинг иқтисодий-ҳуқуқий механизмнинг ҳуқуқий институт сифатида бир қатор восита ва усуллар мажмуидан (табиий ресурслардан махсус фойдаланганлик учун тўлов, иқтисодий рағбатлантириш, иқтисодий жазо чораларини қўллаш, экологик суғурта, экологик жамғармалар) ташкил топиши каби ўзига хослигини тавсифловчи хусусиятларини очиб берган.

*«Экологик муносабатлар тизимида иқтисодий-ҳуқуқий механизмнинг ривожланиш босқичлари»* деб номланувчи ушбу бобнинг иккинчи параграфида муаллиф Ўзбекистон экологик сиёсати иқтисодий механизмнинг ҳуқуқий асослари ўтган йиллар давомида ўзига хос ривожланиш йўлини босиб ўтганини қайд этиб, ушбу даврни қуйидагича босқичларга бўлишни таклиф қилади:

*Биринчи босқич – 1991–2000 йиллар.* Ушбу босқич Ўзбекистон экологик сиёсати иқтисодий-ҳуқуқий механизмнинг қонунчилик асослари шаклланиши даври бўлди. Мазкур босқичда экологик сиёсатнинг конституциявий асослари яратилди, бу борадаги базавий қонунлар қабул қилинди, экологик сиёсат иқтисодий-ҳуқуқий механизмнинг таркибий элементларига оид энг умумий нормалар белгиланди, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг иқтисодий усуллари босқичма-босқич татбиқ этила бошланди, табиатдан фойдаланишни илмий асосланган иқтисодий ва ҳуқуқий механизмлари ишлаб чиқилди ҳамда ушбу соҳага оид қонун ҳужжатларининг яхлит тизими шакллантирилди.

*Иккинчи босқич – 2001–2010 йиллар.* Мазкур босқич Ўзбекистон экологик сиёсати иқтисодий механизмининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш даври бўлди. Ушбу босқичда табиатдан фойдаланишнинг илмий асосланган иқтисодий ва ҳуқуқий механизмлари жорий қилинди, табиий ресурслардан оқилона ва комплекс фойдаланилмаганлик учун тўловлар тизими жорий этилди, табиатдан махсус фойдаланганлик учун тўловлар олиш механизми янада такомиллаштирилди, атроф табиий муҳит тўла ифлосланганлиги, яъни умумий чиқиндилар, ифлослантирувчи моддаларни табиат муҳитига чиқарилгани ва чиқиндиларни жойлаштирилгани учун тўловлар жорий этилди.

*Учинчи босқич – 2011–2016 йиллар.* Ушбу босқичда Ўзбекистон экологик сиёсатида алоҳида институтларнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди ва мавжуд механизмлар сезиларли даражада ислоҳ этилди, янги иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлар шакллари жорий этилди.

*Тўртинчи босқич – 2017 йилдан ҳозирга қадар.* Ушбу босқичда давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга, ижтимоий соҳани ривожлантиришга, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишга йўналтирилган ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳаси ислоҳ қилинмоқда ҳамда экологик сиёсатда инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлар шакллари жорий этилмоқда.

*«Хорижий мамлакатлар экологик сиёсати иқтисодий-ҳуқуқий механизмининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили»* деб номланувчи ушбу бобнинг учинчи параграфида муаллиф ривожланган хорижий давлатлар, жумладан, Швеция, Япония, Буюк Британия, Франция, Италия, Германия ва бошқа Европа Иттифоқи мамлакатлари ҳамда АҚШ, Канаданинг экологик сиёсати иқтисодий-ҳуқуқий механизмининг элементларини таҳлил қилиб ва хорижий тажрибадан келиб чиқиб, шунингдек, миллий ҳуқуқни кўллаш амалиётини ўрганиш асосида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини белгилаш ҳамда ўзгартиришга тўғрисидаги, ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ҳуқуқий ҳолатига оид, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларни молиялаштиришга оид, ер учун ҳақ тўлаш билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси нормаларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ажратиб кўрсатади.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Экология соҳасида режалаштириш ва молиялаштиришнинг ҳуқуқий таъминлаш»** деб номланиб, унда экология соҳасида режалаштириш тушунчаси, аҳамияти ва тартиб-таомиллари, экологик чора-тадбирларни молиялаштириш тизимининг ташкилий-ҳуқуқий масалалари тадқиқ этилган.

Ушбу бобнинг биринчи параграфи *«Экологик соҳасида режалаштириш тушунчаси, аҳамияти ва тартиб-таомиллари»*га бағишланган бўлиб, унда ўрганилаётган масала бўйича олимларнинг фикрлари таҳлил қилинган.

Режалаштириш экология соҳасида иқтисодий-ҳуқуқий механизмнинг муҳим институтларидан бири ҳисобланади. Айнан ушбу институт орқали атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ишлар тизимли хусусият касб этади.

Мамлакатимизда режалаштиришга оид муносабатларни тартибга солувчи юридик асослар тарқоқ ҳолатда баён этилган. Айни дамда ушбу масалада қонун нормалари ўртасида муайян зиддиятлар ҳам мавжуд. Хусусан, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунда давлат экология дастурларини тасдиқлаш (7-модда) ҳамда “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунда сув хўжалигига оид стратегик давлат дастурларини қабул қилиш (5-модда) ваколати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари сифатида мустаҳкамланган.

Бироқ, янги таҳрирдаги “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги ва “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунларда (9-модда), “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги (8-модда) ва “Чиқиндилар тўғрисида”ги (5-модда) қонунларда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш, ер қаърини муҳофаза этиш, чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлаш ҳамда амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатларидан бири сифатида кўрсатилган.

Шунингдек, Ер кодекси 4-моддасига 2004 йил 3 декабрдаги киритилган ўзгартишларга қадар Вазирлар Маҳкамаси “ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш” ваколатига эга бўлган бўлса, юқорида кўрсатилган санадаги Қонун билан киритилган ўзгаришлардан сўнг “тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан давлат дастурларини тасдиқлаш” ваколатига эга бўлди.

Шу муносабат билан, янги таҳрирдаги “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги ва “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунларнинг 9-моддаси биринчи қисми иккичи бандидаги “давлат дастурларини” жумласидан кейин “тасдиқлаш” сўзини чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқотчи томонидан «экологик чора-тадбирларни режалаштириш» тушунчасига «республика ва ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари, тармоқ ва табиий ресурслар бўйича ёхуд корхоналар ва ишлаб чиқариш субъектлари даражасидаги концепциялар, режа ва лойиҳалар, шунингдек табиий ресурслардан фойдаланишни режалаштириш орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни ва барқарор ривожланишни таъминлашга оид чора-тадбирларни белгилаш ҳамда уларнинг ижросини таъминлашга қаратилган яхлит тизим» сифатида муаллифлик таърифи берилган.

Муаллифнинг фикрича экология соҳасида иқтисодий-ҳуқуқий механизмнинг элементи сифатида режалаштириш яхлит тизимни намоён этиб, ўз ичига бир неча субэлементларни қамраб олади. Улар ўзининг хусусияти, субъектлари, амалга ошириш тартиби каби омиллардан келиб чиқиб фарқланади. Хусусан, ушбу тизимда бирламчи ўринда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини давлат томонидан режалаштириш – тармок, ҳудудий, соҳавий ёки манзилли давлат дастурлари қабул қилишни кайд этиш мумкин. Давлат томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини режалаштириш ўзининг императив хусусияти, умуммажбурий аҳамиятга эгалиги, ижрочилари ва ижро этиш муддатлари, молиялаштириш манбалари ва миқдори аниқ белгиланганлиги ҳамда лозим даражада бажарилмаган тақдирда тегишли таъсир чоралари қўлланилиши билан тавсифланади.

Режалаштириш тизимида яна бир субэлемент нодавлат режалаштириш, яъни хусусий сектор ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини режалаштиришдан иборат. Нодавлат режалаштириш бозор иқтисодиёти механизмлари ёхуд жамоатчилик фикри таъсирида шаклланади ва амалга оширилади. Ушбу режалаштириш кўп ҳолларда йирик ишлаб чиқариш корхоналари томонидан маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш, миллий ва халқаро бозорни эгаллаш, истеъмолчиларни жалб этиш, маҳсулот сифатини кўтариш мақсадларида амалга оширилади.

Режалаштириш тизимидаги сўнги субэлемент – бу индивидуал режалаштириш бўлиб, бу табиатдан фойдаланувчиларнинг табиий ресурслардан фойдаланишини режалаштириш ҳисобланади.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфида «*Экологик чора-тадбирларни молиялаштириш тизимининг ташкилий-ҳуқуқий масалалари*»га бағишланган. Диссертантнинг фикрича, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни молиялаштириш экология соҳасидаги иқтисодий-ҳуқуқий механизм тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Зотан, оқилона ташкил этилган атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишни молиялаштириш сиёсати, экологик муаммоларни ҳал этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Боз устига, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш молиялаштиришни талаб этадиган фаолият бўлиб ҳисобланади.

Табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини молиялаштиришнинг замонавий тизими замирида атроф муҳитни режалаштириш ётади ва бундай фаолият давлат даражасида, соҳавий, ҳудудий ёхуд аниқ бир корхона, муассаса ёки ташкилот доирасида амалга оширилиши мумкин. Адабиётларда экологик чора-тадбирларни молиялаштиришнинг табиий ресурслардан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тизими, экологик жамғармалар, экологик суғурта каби механизмлари мавжудлиги ҳам эътироф этилади.

Изланувчи «*экологик чора-тадбирларни молиялаштириш*» тушунчасига куйидагича таъриф беришни таклиф қилади: экологик чора-тадбирларни молиялаштириш – бу экологик чора-тадбирларни ҳамда дастурларини республика ва маҳаллий бюджети, давлат ва нодавлат экологик жамғармалар,

экологик суғурта жамғармалари, банк кредитлари, корхона, ташкилот ва муассасалар маблағлари, юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, чет эллик юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрий бадаллари маблағлари ҳисобидан пул ёки моддий техника ресурслари билан таъминланишидир.

Диссертациянинг учинчи боби «**Экологик тўловлар тизими: ҳуқуқий тартибга солиш масалалари**» деб номланиб, унда атроф табиий муҳитни ифлосланттирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун тўловлар ҳамда Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш масалалари илмий-назарий ва амалий нуқтаи назардан таҳлил этилган.

Хусусан, ушбу бобнинг «*Атроф табиий муҳитни ифлосланттирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун тўловлар*» деб номланган биринчи параграфда бу борадаги миллий ва хорижий тажриба чуқур таҳлил қилинган.

Муаллифнинг фикрича, экологик тўловлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатдан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлашнинг муҳим тамойилларидан бири бўлиб, улар табиат ва инсон ўртасидаги мувозанатни сақлаш учун хизмат қилади. Экологик тўловлар – атроф муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган тўловлар бўлиб, улар Европа Иттифоқининг деярли барча давлатларида солиқлар тарзида кенг қўлланилади.

Европа Иттифоқи мамлакатларида солиқ сиёсати соҳасида ресурсларни тежаш, экологик самарадорлик даражасини ошириш, экология билан бир вақтда кенг доирадаги ижтимоий муаммоларни ҳал этиш сиёсати ҳам амалга оширилмоқда. Замонавий солиқ сиёсатининг табиатни муҳофаза қилиш йўналишларига татбиқан, улар ҳозирги вақтда иқтисодийнинг турли даражаларини, шу жумладан, глобал миқёсда ҳам қамраб олишини ва асосан ифлосланттирувчи соҳаларга қаратилганлигини таъкидлаш лозим.

Экологик тўловларнинг асосий мақсади – давлат бюджетини шакллантиришига эмас, балки солиқ тўловчининг атроф-муҳитга муносабатида ижобий хулқ-атворга рағбатлантириш ҳамдир. Ривожланган давлатлар солиқ сиёсатида қуйидагича рағбатлантириш чоралари тизими қўлланилади: инвесторларга даромадни реинвестициялашда солиқ имтиёзлари бериш; қазиб олиш саноати билан шуғулланувчи корхоналарга солиқ имтиёзлари бериш; тармоққа оид (темир йўл, авиасозлик ва б.к.) солиқ имтиёзлари бериш; экспорт учун солиқ имтиёзлари; инвестициявий солиқ кредитлаш тизимини жорий этиш; илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари учун солиқ имтиёзлари бериш.

Мазкур бобнинг «*Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш*» деб номланган иккинчи параграфда табиатдан фойдаланиш ва табиатдан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчаларининг мазмун моҳиятини очиқ берилган. Муаллиф томонидан «*табиатдан фойдаланиш*» тушунчасига «инсоннинг турли эҳтиёжларини қондириш, республикани самарали ва барқарор ривожлантириш йўлида ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб, экологик, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни уйғунлаштирган ҳолда амалга ошириладиган фаолиятдир» деган илмий таъриф ишлаб чиқилган.

Шунингдек, «табиатдан фойдаланиш ҳуқуқи»га эса «юридик ва жисмоний шахсларнинг табиат объектлари, табиий ресурслар ва табиий комплекслардан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари мажмуи сифатида ифодалангани» мазмундаги илмий тушунча таклиф қилинган.

Диссертант томонидан шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги, “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги, “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги ва янги таҳрирдаги “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги ва “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ўрмон тўғрисида”ги қонунларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Экологик жамғарма, суғурта ва рағбатлантиришнинг иқтисодий-ҳуқуқий механизмдаги ўрни ва аҳамияти**» деб номланиб, унда экологик жамғармаларни шакллантириш ва тақсимлашни ҳуқуқий таъминлаш, экологик суғуртани ҳуқуқий тартибга солиш ва экологик рағбатлантириш тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Мазкур бобнинг «*Экологик жамғармаларни шакллантириш ва тақсимлашни ҳуқуқий таъминлаш*» деб номланувчи биринчи параграфда қайд этилишича, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини иқтисодий тартибга солишнинг асосий элементларидан бири экология жамғармалари тизимидир. Табиатни муҳофаза қилиш ва тиклаш фаолиятини бошқариш иқтисодий-ҳуқуқий механизмда экология жамғармалари муҳим роль ўйнайди.

Давлат экология жамғармалари маблағлари самарали сарфланишини таъминлаш учун қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш таклиф қилинмоқда:

*Биринчидан*, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш жамғармаларининг мамлакат экология соҳасидаги сиёсати устувор йўналишлари ва долзарб вазифаларини ҳал этишга кўмаклашиш борасидаги фаолияти соҳасини аниқ белгилаш зарур. Шунингдек, экологик жамғармалар фаолияти ва имкониятлари ҳақида ахборот бериш очиқ ва ошқора тартиб-таомилларини, молиялаштириш учун тақдим этилган лойиҳаларни кўриб чиқиш, баҳолаш, танлаб олиш ва молиялаштириш ҳамда лойиҳаларнинг бажарилишини назорат қилиш самарали ва аниқ механизмлари ишлаб чиқилиши лозим. Бундан ташқари, давлат экология жамғармаларининг мустақиллиги ва уларнинг ҳам экология соҳасидаги давлат ваколатли органлари, ҳам жамоатчилик олдида ҳисобдорлиги таъминланиши зарур.

*Иккинчидан*, бу жараёнда давлат экология жамғармалари фаолиятини ташкилий-маъмурий таъминлаш муҳим роль ўйнайди. Хусусан, давлат экология жамғармаларининг ташкилий ва маъмурий тузилмаси (ижроия аппарати, кузатув кенгаши, таркибий бўлинмалари ва бошқалар) аниқ белгилаб қўйилса, бизнингча, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ижобий халқаро ва хорижий тажриба шуни кўрсатадики, экологик жамғармаларга раҳбарлик икки орган – ижро этувчи дирекция (маъмурият) ва кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади. Хусусан, ижро этувчи дирекция оператив раҳбарлик, молиявий бошқарув ва ташқи алоқалар билан шуғулланади, кузатув кенгаши эса молиялаштиришнинг устувор йўналишларини, ички тартиб-қоидаларни белгилаш ва жамғарма олдига қўйилган вазифалар самарали бажарилишини назорат қилиш учун жавоб беради. Шу туфайли ҳам экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат ваколатли органи ҳузурида давлат экология жамғармаларининг ижро этувчи органи ташкил этилса, бизнингча, мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур тузилма давлат экология жамғармаларининг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган ишларга самарали раҳбарлик қилиш учун жавоб бериши лозим. Шунингдек айрим давлатларда мазкур функцияларни бажариш учун мустақил тузилмалар ташкил этилади. Масалан, Австрияда Табиатни муҳофаза қилиш вазирлиги юрисдикцияси остидаги давлат мустақил агентлиги – «Коммуналкредит Банк» («*Kommunalkredit Bank*») экология жамғармасига раҳбарликни амалга оширади.

Учинчидан, Давлат экологик жамғармалар ишининг натижаларини баҳолашнинг улар қўйган мақсадларга эришилганлик даражасини ҳисобга олувчи аниқ мезонларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Илғор халқаро ва хорижий тажриба шундан далолат берадики, мазкур мезонлар экология жамғармалари тўғрисидаги қонунлар ёки низомларда аниқ таърифланиши лозим. Кўрсатилган қонунлар ёки низомларга мувофиқ жамғармалар ишининг белгиланган мезонларга мувофиқлигини баҳолаш вақти-вақти билан амалга оширилса, бизнингча, айтиш мумкин бўлади. Шунингдек, айрим ишлар якунланганидан кейин улар ҳақида берилган ҳисоботлар ва эришилган натижалар ҳақида маълумотларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ва Интернет тармоғида жойлаштириш тартиби ҳам белгиланиши лозим.

Тўртинчи бобнинг «*Экологик суғуртани ҳуқуқий тартибга солиш*» деб номланувчи иккинчи параграфидида ёзилишича, атроф муҳитни авариялар туфайли ифлослантириш натижасида етказилган зарарни баҳолаш умуман олганда экологик суғуртанинг энг мураккаб жараёнларидан ҳисобланади.

Аксарият мамлакатларда атроф муҳит сифатини ёмонлаштирганлик билан боғлиқ жавобгарликни суғурталаш айнан доимий ифлослантириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун қўлланилган. Ваҳоланки, қоида тариқасида атроф муҳитни ифлослантирганлик учун жавобгарликни суғурталаш шартномасида тиклаш ишларини ўтказиш кўзда тутилмаган, унга кўра, суғурталовчилар келгусида учинчи тарафлар даъвосига дуч келмаслик учун мавжуд зарарни бартараф этиш жараёнларини қўллаб-қувватлайдилар ҳамда берилган даъволарни камайтирадилар.

Атроф муҳитни ифлослантириш бўйича жавобгарликни суғурта қилишга асосан қопланадиган зарар, қоида тариқасида икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳ, бевосита (тўғридан-тўғри) зарарни қамраб олади, улар сирасига тан жароҳатлари, касалликлар ва руҳий бузилишларни киритишимиз мумкин.

Ушбу гуруҳга шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва сув ўсимликларига, ўрмонлар ва кўчмас мулкка етказилган зарар ҳам киради.

Иккинчи гуруҳга билвосита (бавосита) зарар киради. Унга иншоот, қурилманинг тўхтаб қолиши муносабати билан харажатларнинг кўпайиши ва даромаднинг йўқотилиши, дам олиш учун мўлжалланган худудлар ва балиқлар озикланиш жойларининг ифлосланишидан етказилган зарар киради. Билвосита зарар шунингдек, чиқиндиларни тозалаш ва йўқ қилиш, атроф муҳит ифлосланиши туфайли келиб чиққан бахтсиз ҳодисалар (масалан, тутун, чанг туфайли йўлнинг яхши кўрилмаслиги сабабли содир бўлган йўл ҳаракати ҳодисалари) ва б.қ. билан боғлиқ харажатларни ҳам қамраб олади.

Диссертант хорижий мамлакатларда экологик суғурта институти атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг иқтисодий-ҳуқуқий механизмининг зарурий воситаси сифатида ривожланган ҳамда ушбу тажрибадан фойдаланган ҳолда экологик суғуртанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасида ҳам экологик суғуртага оид муносабатларни тартибга солиш бўйича махсус қонун қабул қилиш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келади.

Ушбу бобнинг *«Экологик рағбатлантириш тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш»*га бағишланган учинчи параграфда қайд этилишича, табиатдан самарали фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни муҳофазалашни иқтисодий рағбатлантириш мақсадида қонунчиликда турли чоралар кўзда тутилган.

Параграф доирасида диссертант атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш қуйидаги шаклларда амалга оширишни кўзда тутди: 1) кам чиқитли ва чиқитсиз технология ва ишлаб чиқаришни жорий этган, ҳосила ресурслардан фойдаланадиган ёки табиатни муҳофаза қилиш самарадорлигини таъминловчи фаолият билан шуғулланувчи давлат ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилотга нисбатан солиқ ва бошқа имтиёзларни белгилаш; 2) экологик жамғармаларни солиққа тортишдан озод этиш; 3) экологик жамғармалар маблағлари бир қисмини жисмоний ёки юридик шахсларга ифлослантирувчи модда чиқиндиларни чиқариш ва жойлаштириш даражасини камайтиришни таъминловчи чораларни амалга ошириш учун шартнома асосида ажратиш; 4) экологик тоза маҳсулотларга нисбатан устама ҳақ ўрнатиш; 5) асосий ишлаб чиқариш жамғармалари учун юқори амортизация нормалари белгилаш; б) экологик зарарли маҳсулотларга, шунингдек, экологик хавfli технологиялар ёрдамида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга нисбатан махсус солиққа тортиш тизимини жорий этиш; 7) мулк шаклидан қатъий назар атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш фаолиятини самарали амалга ошираётган корхона, муассаса, ташкилотларга нисбатан имтиёзли кредит бериш тизимини қўллаш.

Диссертациянинг бешинчи боби **«Экология соҳасидаги иқтисодий чора-тадбирлар талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик»** деб номланиб, унда экологик иқтисодий чора-тадбирлар талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик тушунчаси, аҳамияти ва тизими тадқиқ этилган.

Мазкур бобнинг «Экологик иқтисодий чора-тадбирлар талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик тушунчаси ва аҳамияти» деб номланувчи биринчи параграфда қайд этилишича, экологик ҳуқуқбузарликлар учун юридик жавобгарлик биринчидан, экологик ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг самарали ва ишончли воситаси ҳисобланади; иккинчидан, экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишда муҳим аҳамият касб этади; учинчидан, табиатдан махсус фойдаланувчиларни табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чораларини ўз вақтида кўришларини таъминлайди, уларни экологик ҳуқуқбузарликлар содир этишдан тийиб туради; тўртинчидан, табиатдан фойдаланувчиларни табиий ресурслардан оқилона фойдаланишларини рағбатлантиради; бешинчидан, юридик жавобгарлик экологик ҳуқуқбузарликлар натижасида етказилган зарар қопланишини, бузилган табиий ресурсларни асл ҳолига қайтарилишини таъминлайди.

Изланувчи томонидан «экологик ҳуқуқбузарлик» тушунчасига «атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда экологик хавфсизликка салбий таъсир этувчи ҳуқуққа хилоф ижтимоий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)» сифатида таъриф берилган.

Муаллиф экологик ҳуқуқбузарликлар моҳиятига кўра ўзига хос хусусиятлар куйидагича тавсифлаган:

*Биринчидан*, экологик ҳуқуқбузарликлар объектининг ўзига хослиги. Экологик ҳуқуқбузарликлар объектини атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги муносабатлар ташкил этади. Экологик ҳуқуқбузарликлар объектини асосий ва қўшимча объектларга ажратишимиз мумкин: бунда асосий объект юқоридаги таъкидлаганимиздек, экологик муносабатлар бўлса; қўшимча объект, инсон (инсонлар) ҳаёти, соғлиғи, мулки, давлатнинг иқтисодий манфаатлари кабилар бўлади. Яъни, экологик ҳуқуқбузарликлар содир этилиши натижасида атроф табиий муҳитда рўй берган салбий ўзгариш ўз навбатида инсонлар саломатлигига ҳам муқаррар равишда салбий таъсир кўрсатади. Демак, экологик зарар келтириб чиқарган ҳуқуқбузарлик билвосита инсонларнинг саломатлиги ёки мулкига ҳам зарар етказиши мумкин.

*Иккинчидан*, экологик ҳуқуқбузарликлар оқибати билан белгиланадиган ўзига хос жиҳатлар. Экологик ҳуқуқбузарликлар оқибати бир қатор ўзига хос хусусиятлари билан тавсифланади. Авваламбор, экологик зарар ва экологик ҳуқуқбузарликлар содир этилишидаги вақт ўзаро мос келмаслиги мумкин. Яъни, оқибат экологик ҳуқуқбузарлик содир этилгандан анча кейин юзага келиши мумкинлиги ҳам экологик ҳуқуқбузарликларнинг ўзига хос жиҳатларидан ҳисобланади. Масалан, табиатга етказилган зарар маълум муддатдан кейин кўзга ташланади, баъзида эса, бу муддат бир неча йилларга чўзилиши ҳам мумкин.

*Учинчидан*, экологик зарарнинг ўзига хослиги. Маълумки, экологик ҳуқуқбузарликлар натижасида иқтисодий ва экологик зарар етказилиши

мумкин бўлиб, экологик зарар ўзининг муқобили (эквиваленти) йўқлиги билан ажралиб туради. Яъни, экологик ҳуқуқбузарликлар туфайли тиклаб бўлмайдиган ресурслар йўқ бўлиб кетиши, муайян биологик тур йўқ бўлиб кетиши мумкинлиги ҳам экологик ҳуқуқбузарликларнинг ўзига хос жиҳатларидан биридир. Шунингдек, экологик-ҳуқуқий жавобгарлик бажарадиган асосий функцияларни рағбатлантирувчи, компенсацион, превентив функциялари уч гуруҳга ажратилган ҳолда таҳлил этилган.

Бешинчи бобнинг *«Экологик иқтисодий чора-тадбирлар талаблари бузганлик учун юридик жавобгарлик тизими»* деб номланган иккинчи параграфда диссертация тадқиқоти давомида амалдаги меҳнат, маъмурий, фуқаролик ва жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларини таҳлил этиш, ижтимоий сўров ўтказиш натижалари параграф мавзусига боғлиқ ҳолда тадқиқ этилган. Хусусан, тадқиқотчи томонидан экологик қонун ҳужжатлари талаблари бузилганлиги учун қўлланиладиган интизомий, маъмурий, фуқаролик-моддий ва жиноий жавобгарлик масалалари алоҳида таҳлил қилинган. Муаллиф атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бу соҳадаги қонунчиликни таъминлашнинг самарали усуллардан бири деб ҳисоблайди.

Тадқиқотчи юридик адабиётларда билдирилган фикрларни таҳлил этиб, экология ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликка қуйидагича таъриф берган: «экология ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик – Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган, атроф табиий муҳитга тажовуз қилувчи, ҳуқуққа хилоф, айбли ижтимоий хавfli ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, экологик маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан ваколатли орган ёки мансабдор шахслар томонидан маъмурий-процессуал тартибда қўлланиладиган юридик жавобгарлик тури».

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда *ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш талабларини бузганлик учун* алоҳида моддаларда жавобгарлик нормаларини белгилаш мақсадга мувофиқлиги асослантилган ҳамда ўсимлик дунёсининг муҳофазасини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини 81<sup>1</sup>-модда билан тўлдириб, унда *«Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш талабларини бузиш»* деган мазмундаги норма белгилаш таклиф этилган.

Диссертант ижтимоий сўров натижаларига кўра, ҳудудда жойлашган ташкилотлар раҳбарларининг фуқаролар йиғинида атроф муҳитни муҳофаза қилиш, санитария ҳолати ва ободонлаштириш юзасидан ҳисоботларини эшитишнинг ҳуқуқий механизми йўқлиги, профилактика инспекторларидан ташқари маҳалла фуқаролар йиғини раиси, соғлиқни сақлаш бўлими ва бошқа мутасадди органларнинг ҳисобот бериш тартибини ташкил қилиш, ҳудуддаги ташкилот раҳбарларининг ўзига бириктирилган бино-иншоотларни ободонлаштириш учун масъуллигини ошириш каби ваколатларини амалга ошириш механизмларини белгилаб бериш зарур, деган хулосага келади.

Шунингдек, профилактика инспекторларига экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик чораларини тўғридан-тўғри қўллаш ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан жойида жарима қўллаш каби янги ваколатларни бериш, уларнинг экологик ва ҳуқуқий билимларини мунтазам ошириб бориш, улар фаолиятининг рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда ички ишлар органларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича махсус бўлинмалар ташкил этиш тўғрисидаги таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Тадқиқотчи экологик ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни том маънода инсониятни сақлаб қолиш ҳамда ҳимоя этиш воситаси деб ҳисоблашимиз мумкин, деган тўхтамга келади. Унинг фикрича, экологик жиноятларга қарши жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чора-тадбирлар ёрдамида курашиш бугунги кунда давр талабига айланиб улгурди, шу жумладан, экологик жиноятларга қарши кураш давлатимиз ҳамда экология ва жиноят ҳуқуқи фанлари олдида турган долзарб вазифалардан бири бўлиб, улар фаолиятининг устувор йўналишига айланиши, давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим. Зотан, табиатни тиклашдан кўра, асраш ва вайрон бўлишининг олдини олиш осон ва мақсадга мувофиқдир.

Изланувчи томонидан «экологик жиноятлар» тушунчасига «атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи жиноят қонунида кўзда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш(ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)дир», деган илмий таъриф ишлаб чиқилган.

## ХУЛОСА

Ўзбекистон экологик сиёсатининг иқтисодий-ҳуқуқий механизмини комплекс тадқиқ этиш ва бу борадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш асосида қуйидаги концептуал хулосаларга келишга ва тегишли қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор илмий-амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга асос бўлди:

### I. Илмий-назарий хулосалар:

1.1. Экологик сиёсат иқтисодий-ҳуқуқий механизмнинг илмий таҳлил қилиш, мавзу доирасида илмий категорияларнинг мазмунини янада аниқлаштириш зарурати ҳамда назарий таҳлиллар натижасида қуйидаги тушунчаларга муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди:

– «**экологик чора-тадбирларни режалаштириш**» бу республика ва ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари, тармоқ ва табиий ресурслар бўйича ёхуд корхоналар ва ишлаб чиқариш субъектлари даражасидаги концепциялар, режа ва лойиҳалар, шунингдек табиий ресурслардан фойдаланишни режалаштириш орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни ва барқарор ривожланишни таъминлашга оид чора-тадбирларни белгилаш ҳамда уларнинг ижросини таъминлашга қаратилган яхлит тизимдир;

– «**экологик чора-тадбирларни молиялаштириш**» экологик чора-тадбирларни ҳамда дастурларини республика ва маҳаллий бюджети, давлат ва нодавлат экологик жамғармалар, экологик суғурта жамғармалари, банк кредитлари, корхона, ташкилот ва муассасалар маблағлари, юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, чет эллик юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрий бадаллари маблағлари ҳисобидан пул ёки моддий техника ресурслари билан таъминланишидир;

– «**табиатдан оқилона фойдаланиш**» деганда, табиий ресурслардан илмий асосланган, ҳар бир табиат объектининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган, экологик ва иқтисодий манфаатлар уйғунлашган ҳолда, тежамли, уларни қайта тиклаш, ҳолатини яхшилаш ва кескин ўзгартирмасликни кўзда тутадиган фойдаланиш тушунилади;

– «**экологик жамғарма**» бу атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш борасидаги фаолиятни молиялаштириш мақсадида пул маблағларини тўплаш, тақсимлаш ва фойдаланишга мўлжалланган иқтисодий-ҳуқуқий механизмнинг таркибий бўғини ҳамда бюджетдан ташқари табиатни муҳофаза қилиш жамғармаларининг ягона тизимидир;

1.2. Экология соҳасидаги иқтисодий-ҳуқуқий механизмнинг қуйидаги хусусиятлари ажратиб кўрсатилди: экология соҳасидаги иқтисодий-ҳуқуқий механизмнинг табиатдан фойдаланувчилар учун иқтисодий рағбатлантириш воситаси сифатида баҳоланиши; экология соҳасидаги иқтисодий-ҳуқуқий механизмнинг айрим турларида давлат мажбурлов чораларидан фойдаланилиши (масалан, табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаганлик

ҳамда қонунларда белгиланган талабларни бузганлик учун иқтисодий жазо чоралари қўллашда, табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ ва тўловлар ундиришда); экологик муносабатлар иқтисодий-ҳуқуқий механизмида маъмурий-ҳуқуқий воситаларнинг иқтисодий рағбатлантириш усуллари билан ўзаро уйғунлашганлиги; экологик тамойилларнинг устувор мавқе касб этиши; табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишда иқтисодий манфаатдорлик экологик талабларга асосланган ҳолда таъминланиши; экология соҳасидаги иқтисодий-ҳуқуқий механизмнинг табиий ресурслардан оқилона, тежамли ҳамда самарали фойдаланишни таъминловчи восита сифатида намоён бўлиши; экологик сиёсатнинг иқтисодий-ҳуқуқий механизмнинг ҳуқуқий институт сифатида бир қатор восита ва усуллар мажмуидан (табиий ресурслардан махсус фойдаланганлик учун тўлов, иқтисодий рағбатлантириш, иқтисодий жазо чораларини қўллаш, экологик суғурта, экологик жамғармалар) ташкил топиши.

1.3. Ўзбекистон экологик сиёсати иқтисодий механизмнинг ҳуқуқий асосларининг ривожланиши қуйидагича босқичларга бўлинди. **Биринчи босқич – 1991–2000 йиллар.** Ушбу босқич Ўзбекистон экологик сиёсати иқтисодий-ҳуқуқий механизмнинг қонунчилик асослари шаклланиши даври бўлди. Мазкур босқичда экологик сиёсатнинг конституциявий асослари яратилди, бу борадаги базавий қонунлар қабул қилинди, экологик сиёсат иқтисодий-ҳуқуқий механизмнинг таркибий элементларига оид энг умумий нормалар белгиланди, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг иқтисодий усуллари босқичма-босқич татбиқ этила бошланди, табиатдан фойдаланишни илмий асосланган иқтисодий ва ҳуқуқий механизмлари ишлаб чиқилди ҳамда ушбу соҳага оид қонун ҳужжатларининг яхлит тизими шакллантирилди. **Иккинчи босқич – 2001–2010 йиллар.** Мазкур босқич Ўзбекистон экологик сиёсати иқтисодий механизмнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш даври бўлди. Ушбу босқичда табиатдан фойдаланишнинг илмий асосланган иқтисодий ва ҳуқуқий механизмлари жорий қилинди, табиий ресурслардан оқилона ва комплекс фойдаланилмаганлик учун тўловлар тизими жорий этилди, табиатдан махсус фойдаланганлик учун тўловлар олиш механизми янада такомиллаштирилди, атроф табиий муҳит тўла ифлосланганлиги, яъни умумий чиқиндилар, ифлослантирувчи моддаларни табиат муҳитига чиқарилгани ва чиқиндиларни жойлаштирилгани учун тўловлар жорий этилди. **Учинчи босқич – 2011–2016 йиллар.** Ушбу босқичда Ўзбекистон экологик сиёсатида алоҳида институтларнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди ва мавжуд механизмлар сезиларли даражада ислоҳ этилди, янги иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлар шакллари жорий этилди. **Тўртинчи босқич – 2017 йилдан ҳозирга қадар.** Ушбу босқичда давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга, ижтимоий соҳани ривожлантиришга, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишга йўналтирилган ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикасини

янада ривожлантиришга қаратилган экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳаси ислоҳ қилинмоқда ҳамда экологик сиёсатда инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлар шакллари жорий этилмоқда.

1.4. Экология соҳасида иқтисодий-ҳуқуқий механизмнинг элементи сифатида режалаштириш яхлит тизимни намоеън этиб, ўз ичига бир неча субэлементларни қамраб олади. Улар ўзининг хусусияти, субъектлари, амалга ошириш тартиби каби омиллардан келиб чиқиб фарқланади. Хусусан, ушбу тизимда бирламчи ўринда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини давлат томонидан режалаштириш – тармоқ, ҳудудий, соҳавий ёки манзилли давлат дастурлари қабул қилишни қайд этиб ўтишимиз мумкин. Давлат томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини режалаштириш ўзининг императив хусусияти, умуммажбурий аҳамиятга эгаллиги, ижрочилари ва ижро этиш муддатлари, молиялаштириш манбалари ва миқдори аниқ белгиланганлиги ҳамда лозим даражада бажарилмаган тақдирда тегишли таъсир чоралари қўлланилиши билан тавсифланади. Режалаштириш тизимида яна бир субэлемент – нодавлат режалаштириш, яъни хусусий сектор ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини режалаштиришдан иборат. Нодавлат режалаштириш бозор иқтисодиёти механизмлари ёхуд жамоатчилик фикри таъсирида шаклланади ва амалга оширилади. Ушбу режалаштириш кўп ҳолларда йирик ишлаб чиқариш корхоналари томонидан маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш, миллий ва халқаро бозорни эгаллаш, истеъмолчиларни жалб этиш, маҳсулот сифатини кўтариш мақсадларида амалга оширилади. Режалаштириш тизимидаги сўнгги субэлемент – бу индивидуал режалаштириш бўлиб, бу табиатдан фойдаланувчиларнинг табиий ресурслардан фойдаланишини режалаштириш ҳисобланади.

1.5. Табиатдан умумий ва махсус фойдаланиш турларидан келиб чиқиб, табиатдан фойдаланишни объекти, субъекти, усули, шакли, уларга бўлган ҳуқуқлар каби турли мезонлардан келиб чиқиб таснифлаш тўғрисидаги таклиф ишлаб чиқилди.

## **II. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини**

### **такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган таклиф ва тавсиялар:**

– Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни 34-моддасида «Табиатдан махсус фойдаланганлик ва атроф муҳитни ифлослантирганлик учун тўловлар» тизими белгиланган бўлиб, ушбу модда 8-қисмига кўра «Атроф муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқарганлик ва оқизганлик ҳамда чиқиндилар жойлаштирганлик учун компенсация тўловларининг суммалари Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармасига тушади». Демак, ушбу қонун нормаси талабидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун ундириладиган компенсация тўловларининг 100

фоизи – Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Экология, атропо мухитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармасига ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

– Янги таҳрирдаги “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги ва “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунларнинг 9-моддаси биринчи қисми иккичи бандидаги “давлат дастурларини” жумласидан кейин “тасдиқлаш” сўзини чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ. Чунки, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунда давлат экология дастурларини тасдиқлаш (7-модда) ваколати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари сифатида мустаҳкамланган.

– Ҳозирги конституциявий ислохотлар давлат қурилиши ва бошқарувида парламент ролини кучайтиришга қаратилаётганлигини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси 9-бандидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш бўйича ваколатини тўлақонли амалга оширишни таъминлаш мақсадида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини белгилаш ҳамда ўзгартириш ҳуқуқини Олий Мажлисга ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бунда Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонун (Янги таҳрири) 14-моддасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини белгилаш ҳамда ўзгартириш тўғрисидаги таклифни Олий Мажлисга киритишини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ.

– Ер кодексининг 17, 20, 33-моддалари мазмунидан келиб чиқиб, ер участкаларига муддатли (вақтинча) эгалик қилиш ҳуқуқи турининг ҳуқуқий ҳолати мунозарали бўлиб қолаётганлиги тўғрисида тўхтамга келишимиз мумкин. Хусусан, Ер кодекси 17-моддасида ушбу ҳуқуқ тури умуман кўзда тутилмаган (унда доимий эгалик қилиш ҳуқуқи кўзда тутилган). Аксинча, Ер кодекси 20-моддасида эса, “ер участкаларига доимий ва муддатли (вақтинча) эгалик қилиш” тушунчаси қўлланилмоқда ва унинг мазмунида ер участкалари юридик ва жисмоний шахсларга “муддатли (вақтинча) эгалик қилишга” берилиши мумкинлиги мустаҳкамланган; бироқ, кейинги ўринларда сўз фақатгина “доимий эгалик қилиш” тўғрисида боради. Шунингдек, Ер кодекси 33-моддасида ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар рўйхатида “ер участкаларига муддатли (вақтинча) эгалик қилиш ҳуқуқи”ни тасдиқловчи ҳужжат тури кўзда тутилмаган. Ер кодекси 17 ва 33-моддаларидан, шунингдек, ер беришга оид ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиқиб, Ер кодекси 20-моддасидаги “ер участкаларига муддатли (вақтинча) эгалик қилиш ҳуқуқи”ни чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ. Ўрганилган давлатлар, шу жумладан, МДҲ давлатлари ва Болтиқбўйи мамлакатлари қонун ҳужжатлари (Ер ва Фуқаролик кодекслари) ушбу давлатларда ер участкаларига муддатли (вақтинча) эгалик қилиш ҳуқуқи тури мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда.

– Ер кодекси 28-моддасига ер участкалари юридик ва жисмоний шахсларга мулк этиб сотилганда ер участкасининг ҳақиқий баҳосидан ўн фоиз миқдорда тегишли табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари ҳисобига ўтказилиб, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилиши тўғрисидаги қондани мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ. Бундай амалиёт бир қатор Ғарб давлатларида ернинг фуқаровий муомаласидан тушган даромадларнинг бир қисмини табиатни муҳофаза қилиш мақсадлари учун йўналтириш амалиёти жорий этилган бўлиб, бундай давлатлар сирасига Австрия, Бельгия, Швейцария ва бошқаларни киритишимиз мумкин. Масалан, Австрияда 1989 йилда махсус “Ифлосланган ер участкаларини тозалаш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган бўлиб, у тозалаш бўйича чора-тадбирларни молиялаштиришни кўзда тутди. Швейцарияда эса, 1983 йилда қабул қилинган “Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун ҳамда 1998 йил августдаги ҳукумат қарори билан юқоридаги тартиб жорий этилган. Ушбу қонун ҳам ер ресурсларини қайта тикловчи чора-тадбирларни молиялаштиришни юқоридагича тартибини кўзда тутди.

– Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 36-моддаси 9-бандига кўра, ер участкасига бўлган ҳуқуқ қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ер солиғи, шунингдек ижарага олиш шартномасида белгиланган муддатларда ижара ҳақи мунтазам тўланмай келинганда бекор қилинади. Бизнингча, ушбу банддаги “мунтазам” сўзи аниқ муддатларни билдирмай, қандайдир мавҳумликни келтириб чиқаради. Агарда ушбу модданинг юқорида тилга олинган бандида кўзда тутилган “мунтазам муддат”га тушунча берилиб, у аниқ қанча вақтни ва неча маротаба тўланмай келиниши ўзининг ифодасини топган бўлиши лозим. Бу эса, солиқларнинг ўз вақтида тўланишини ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни сақлаб қолинишининг гарови ҳисобланади. Шу мақсадда, бизнингча, Ер кодекси 36-моддаси 9-бандини тегишли таҳрирда ўзгартириш мақсадга мувофиқ. Ушбу тажриба Беларусь Республикаси Ер кодексининг 60-моддасида ҳам кўзда тутилган. Унга кўра, ер солиғини икки солиқ йили давомида тўламаслик ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бекор бўлишига асос бўлади.

– ФК 83-моддасида фуқаролик ҳуқуқлари объекти сифатида кўчмас мулк жумласидаги *кўп йиллик дов-дарахтлар* билан боғлиқ тушунча ва қондаларни янада аниқлаштириб, амалдаги Фуқаролик кодексининг нормаларини такомиллаштириш лозим. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси **83-моддаси 2-қисмини** куйидаги кўшимчалар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ: **“Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда кўп йиллик дов-дарахтларнинг айрим тоифалари кўчмас мулк ҳисобланмаслиги мумкин”**.

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги “Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида руҳсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида”ги 290-сон қарори билан тасдиқланган “Ўсимлик дунёси

объектларидан фойдаланиш ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 6-бандини “**Ўсимлик дунёси объектларидан умумий фойдаланиш мазкур Низомнинг 4-банди «г», «д», «е», «и» кичик бандларида назарда тутилган турларда ҳам жисмоний шахслар томонидан ҳаётий зарур эҳтиёжларни қондириш мақсадларида амалга оширилиши мумкин**” деган мазмунда ўзгартириш мақсадга мувофиқ. Чунки, ўсимлик дунёси объектларидан ёввойи ўсимликларнинг техник хом ашёсини ғамлаш, ёввойи ўсимликларнинг доривор хом ашёсини ғамлаш (йиғиш), ёввойи ўсимликларни озиқ-овқат мақсадлари учун ғамлаш (йиғиш), ўсимлик дунёси объектларидан маданий-маърифий, тарбия, соғломлаштириш, рекреацион ва эстетик мақсадларда фойдаланиш ҳам умумий ҳам махсус тарзда юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилиши бу соҳадаги тадбиркорликни, хусусий мулкчиликни янада ривожлантиради, ўз навбатида жуда бой ўсимлик дунёсига эга бўлган республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшилади.

– Хорижий мамлакатларда экологик суғурта институти атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг иқтисодий-ҳуқуқий механизмининг зарурий воситаси сифатида ривожланган ҳамда ушбу тажрибадан фойдаланган ҳолда экологик суғуртанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасида ҳам экологик суғуртага оид муносабатларни тартибга солиш бўйича махсус қонун қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Тадқиқот иши натижасида 30 моддадан иборат бўлган Ўзбекистон Республикасининг “**Экологик суғурта тўғрисида**”ги Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди.

– Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини 81<sup>1</sup>-модда билан тўлдириб, унда «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш талабларини бузиш» деган мазмундаги нормалар белгиланса мақсадга мувофиқ. Таассуфки, ўсимлик дунёсига оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун алоҳида бир маъмурий жавобгарлик чоралари ўрнатилмаган. Шундан келиб чиқиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш талабларини бузганлик учун алоҳида моддаларда жавобгарлик нормаларини белгилаш мақсадга мувофиқ ҳамда бу борадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашни ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади, бу эса ўз навбатида табиатнинг ажралмас бўғини бўлмиш ўсимлик дунёсининг муҳофазасини таъминлайди.

### **III. Экология соҳасидаги қонун ҳужжатларини қўллаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган таклиф ва тавсиялар:**

*Биринчидан*, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш жамғармаларининг мамлакат экология соҳасидаги сиёсати устувор йўналишлари ва долзарб вазифаларини ҳал этишга кўмаклашиш борасидаги фаолияти соҳасини аниқ белгилаш зарур. Шунингдек, экологик жамғармалар фаолияти ва имкониятлари ҳақида ахборот

бериш очик ва ошкора тартиб-таомилларини, молиялаштириш учун тақдим этилган лойиҳаларни кўриб чиқиш, баҳолаш, танлаб олиш ва молиялаштириш ҳамда лойиҳаларнинг бажарилишини назорат қилиш самарали ва аниқ механизмлари ишлаб чиқилиши лозим. Бундан ташқари, давлат экология жамғармаларининг мустақиллиги ва уларнинг ҳам экология соҳасилдаги давлат ваколатли органлари, ҳам жамоатчилик олдида ҳисобдорлиги таъминланиши зарур.

*Иккинчидан*, давлат экология жамғармалари фаолиятини ташкилий-маъмурий таъминлаш муҳим роль ўйнайди. Хусусан, давлат экология жамғармаларининг ташкилий ва маъмурий тузилмаси (ижроия аппарати, кузатув кенгаши, таркибий бўлинмалари ва бошқалар) аниқ белгилаб қўйилса, бизнингча, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу туфайли ҳам экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат ваколатли органи хузурида давлат экология жамғармаларининг ижро этувчи органи ташкил этилса, бизнингча, мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур тузилма давлат давлат экология жамғармаларининг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган ишларга самарали раҳбарлик қилиш учун жавоб бериши лозим. Шунингдек айрим давлатларда мазкур функцияларни бажариш учун мустақил тузилмалар ташкил этилади. Масалан, Австрияда Табиатни муҳофаза қилиш вазирлиги юрисдикцияси остидаги давлат мустақил агентлиги – «Коммуналкредит Банк» («Kommunalkredit Bank») экология жамғармасига раҳбарликни амалга оширади.

*Учинчидан*, давлат экологик жамғармалар ишининг натижаларини баҳолашнинг улар қўйган мақсадларга эришилганлик даражасини ҳисобга олувчи аниқ мезмонларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Илғор халқаро ва хорижий тажриба шундан далолат берадики, мазкур мезонлар экология жамғармалари тўғрисидаги қонунлар ёки низомларда аниқ таърифланиши лозим. Шунингдек, айрим ишлар яқунланганидан кейин улар ҳақида берилган ҳисоботлар ва эришилган натижалар ҳақида маълумотларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ва Интернет тармоғида жойлаштириш тартиби ҳам белгиланиши лозим.

*Тўртинчидан*, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси тўртинчи бўлимида белгиланган «Экология соҳасидаги жиноятлар» моддий таркибли жиноятлар, яъни одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга ёхуд одам ўлишига сабаб бўлса жиноят деб топилади. Жиноят кодексининг вазифаларидан келиб чиқиб, ушбу турдаги жиноятларни моддий таркибли жиноятлардан, формал таркибли жиноятларга ўтказиш, яъни содир этилган жиноят натижасида албатта оқибат келиб чиқиши ўша вақтда эмас, балки кўп йиллардан сўнг ўз таъсирини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, табиий муҳитни, инсоният хавфсизлигини жиний тажовузлардан кўриқлашнинг ўзига қарши қаратилган ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилишиданок жиноят эканлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

*Бешинчидан*, экологик ҳуқуқбузарликларга нисбатан маъмурий жавобгарликни қўллаш, экологик қонун ҳужжатлари талабларининг тўла

амалга оширилишини, табиий объектларни маъмурий қонунчилик билан қўриқлашни, ушбу соҳада содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу борада фуқаролик жамияти институтларидан бири бўлган экология соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларининг фаолиятини янада кенгайтириш билан боғлиқ ҳуқуқий меъёрларни такомиллаштириш талаб этилади. Шунинг учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг экология соҳасидаги ваколатларини мустаҳкамловчи ҳуқуқий нормаларни янада кенгайтириш ҳамда уларни қонунчиликда мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, экология соҳасидаги жойларда кўп содир этиладиган ва давлат экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари томонидан аниқланиши ва тегишли таъсир чоралари қўлланилиши қийин бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жарима тариқасидаги маъмурий жазони қўллаш ваколатини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилиши соҳадаги айрим муаммоларни ечимини топишда, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг самарали усули сифатида муҳим роль ўйнайди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА  
DSc.30.08.2018.Уч.74.01 НА СОИСКАНИЕ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ ВОЕННО-ТЕХНИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ  
НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

---

**ВОЕННО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ  
НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**НУРМАТОВ МИРГОЛИБ МИРЗАЕВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ЭКОНОМИКО-ПРАВОВОГО  
МЕХАНИЗМА ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ ПОЛИТИКИ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**12.00.06 – Природоресурсное право. Аграрное право.  
Экологическое право**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора юридических наук (DSc)**

**Ташкент – 2019**

**Тема докторской (DSc) диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.1.DSc/Yu97.**

Диссертация выполнена в Военно-техническом институте Национальной гвардии Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице информационно-образовательном портале «ZiyoNET» по адресу [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

**Научный консультант:** **Файзиев Шухрат Хасанович**  
доктор юридических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Холмўминов Жума Тоштемирович**  
доктор юридических наук, профессор

**Сафаров Джахонгир Исмоилович**  
доктор юридических наук, доцент

**Рустамбеков Исламбек Рустамбекович**  
доктор юридических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Таможенный институт Государственного таможенного комитета Республики Узбекистан**

Защита диссертации состоится 27 апреля 2019 г. в 15:00 часов на заседании разового Научного совета на основе Научного совета DSc.30.08.2018.Yu.74.01 на соискание ученых степеней при Военно-техническом институте Национальной гвардии Республики Узбекистан (адрес: 100109, Ташкентская область, Зангиатинский район поселок Чорсу. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (998971) 230-32-50; e-mail: [mg-hti@umail.uz](mailto:mg-hti@umail.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Военно-технического института Национальной гвардии Республики Узбекистан (зарегистрирована под №\_\_\_\_). (адрес: 100109, Ташкентская область, Зангиатинский район поселок Чорсу. Тел.: (99871) 230-32-71).

Автореферат диссертации разослан 12 апреля 2019 года.  
(протокол реестра №\_\_\_\_ от 12 апреля 2019 года).

**М.Х. Рустамбаев**  
Председатель разового научного совета  
на основе научного совета, доктор  
юридических наук, профессор

**А.А. Нуридуллаев**  
Секретарь разового научного совета на  
основе научного совета, кандидат  
юридических наук, доцент

**М.Б. Усмонов**  
Председатель научного семинара при  
разового научного совета, доктор  
юридических наук, профессор

## ВВЕДЕНИЕ (Аннотация докторской (DSc) диссертации)

**Актуальность и значимость темы диссертации.** Сегодня как никогда, за всю историю человечества актуальными являются экологические проблемы, требующие решения перед мировым сообществом. Изменение климата, Озоновый фактор, проблема Аральского моря загрязнение атмосферного воздуха и водных ресурсов, сохранение биологического разнообразия и обранование чрезмерного количества отходов и предупреждение и устранение других многих экологических проблем являются важными задачами, стоящими перед обществом и государством. Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев в своем докладе на 72-ой сессии Генеральной Ассамблеи ООН говоря о проблемах, связанных с обеспечением безопасности и стабильности отметил, что «Одним из острых экологических проблем сегодняшнего дня – Аральский кризис на который хочу обратить ваши внимания. Требуется активного объединения усилий международного масштаба, чтобы предотвратить последствия, связанные с высыханием моря»<sup>1</sup>.

В мире на современном этапе решения экологических проблем осуществляются научные исследовательские проблемы в сфере совершенствования экономико-правового механизма государственной экологической политики. В этом особенно важную роль играют разработка эффективных механизмов планирования и финансирования экологических мероприятий, правовое регулирование системы экологических платежей, стимулирование рационального и эффективного использования природными ресурсами природопользователей, сбалансирование экономических, социальных и экологических факторов, разработка гаучно-теоретических и практических пути решений совершенствования экономико-правового механизма в сфере экологии путем проведения мероприятий, связанных с внедрением оценки окружающей среды и налогов на деятельность наносящих вред окружающей среде.

В стране поэтапно осуществляются широкомасштабные программные мероприятия по всем направлениям государственной экологической политики. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах определены такие важные задачи как «принятие системных мер по смягчению негативного воздействия глобального изменения климата и высыхания Аральского моря на развитие сельского хозяйства и жизнедеятельности населения; обеспечение экологической безопасности проживания людей, строительство и модернизация комплексов переработки бытовых отходов; укрепление их материально-технической базы, обеспечение населения современными объектами утилизации отходов; сокращение вредных выбросов в окружающую среду; предотвращение экологических проблем, наносящих урон состоянию

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018. – 250 б.

окружающей среды, здоровью и генофонду населения»<sup>2</sup>. Несмотря на осуществляемые широкомасштабные меры, наблюдается нарушение требований экологического законодательства, увеличение объема вреда, причиняющего окружающей среде, повышение потребности человеческих нужд в отношении природы, недостаточный уровень реализации положений экологического законодательства. Это в свою очередь показывает необходимость дальнейшего совершенствования экономико-правового механизма экологической политики в стране.

Диссертационное исследование служит дальнейшему совершенствованию положений законов Республики Узбекистан «Об охране природы» (1992), «Об охране и использовании животного мира» (2016), «Об охране и использовании растительного мира» (2016), «О лесе» (2018), указов Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 21 апреля 2017 года № УП-5024 «О совершенствовании системы государственного управления в сфере экологии и охраны окружающей среды», от 17 января 2019 года № УП-5635 «О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах в «Год активных инвестиций и социального развития», постановлений Кабинета Министров от 15 июня 2017 года № ПКМ-375 «Об утверждении Положения о порядке формирования и использования средств Фонда экологии, охраны окружающей среды и обращения с отходами», от 11 октября 2018 года № 820 «О мерах по дальнейшему совершенствованию экономических механизмов обеспечения охраны природы», от 20 октября 2018 года № 841 «О мерах по реализации Национальных целей и задач в области устойчивого развития на период до 2030 года» и других законодательных актов в данной сфере, обеспечение их реализации, а также дальнейшее повышение эффективности экономико-правовых механизмов экологической политики страны.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данная исследовательская работа соответствует приоритетному направлению развития науки и технологий в Республике Узбекистан I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики» на период 2012–2020 годы.

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации**<sup>3</sup>. В таких ведущих мировых научных центрах и высших образовательных учреждениях, как

---

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»// [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>3</sup> Комментарии зарубежных научных исследований по теме диссертации: <http://www.ox.ac.uk>; <https://www.cam.ac.uk>; <http://www.manchester.ac.uk>; <http://www.hu-berlin.de>; [www.hs-mittweida.de](http://www.hs-mittweida.de); <http://www.sorbonne-university.com>; <http://www.kyoto-u.ac.jp/en>; <https://www.useoul.edu>; <https://www.ecology.uga.edu>; <http://web.mit.edu>; <https://www.indiana.edu>; <http://www.sggw.pl>; <http://www.uu.se>; <https://www.uu.nl/en>; [www.rug.nl](http://www.rug.nl); <http://www.wfindia.org>; <http://www.mq.edu.au>; <https://www.era.int>; <https://www.ut.ee>; <https://www.k6k.ee>; <https://www.msu.ru>; [www.iseu.bsu.by](http://www.iseu.bsu.by).

Cambridge University (Великобритания), Humboldt Universitat (Германия), Kyoto University (Япония), National University of Seoul (Южная Корея), Yale Center for Environmental Law and Policy (США), Stockholm Environmental Law and Policy Centre (Швеция), Centre for Environmental Law Macquarie University (Австралия), Estonian Environmental Law Centre (Эстония), Московский государственный университет (Россия), Международный государственный экологический институт Белорусского государственного университета (Беларусь) проводятся эколого-правовые исследования с сфере совершенствования экономико-правовых механизмов экологической политики.

